

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

Х.У.К.М.

Protected by PDF Anti-Copy Free

2022 йил ноябрь ойининг 14 кунини, жиноят ишлари бўйича Бўстон туман суди, суд биносида, очиқ суд мажлисида, туман судининг раиси М.Рузиматовнинг раислигида, судья ёрдами М.Рахимовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Бўстон туман прокурорининг ёрдамчиси А.Сайназаров, судланувчи С.Нематов ва унинг ҳимоячиси-адвокат Н.Зокирова, фуқаровий даъвогар Ш.Реджаповнинг иштирокида, Нематов Салоҳиддин Исакжановичга оид 1-1701-2204/746-сонли жиноят иши кўриб чиқилди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Нематов Салоҳиддин Исакжанович (Nematov Saloxiddin Isakjanovich) - 1980 йил 9 мартда Қирғизистон Республикаси Ўш вилоятида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, беш нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, “Sanoat Rivoj Namkor” МЧЖ раҳбари, Андижон шаҳар, “Охунбобоев” МФЙ, Фурқат кўчаси, 204-уйда яшайди, шахсий кафиллик эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхаси 2022 йил 20 сентябрь кунини олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “а,б,г” бандлари, 228-моддаси 2-қисмининг “а” банди, 228-моддасининг 3-қисми билан айбланган.

Суд, суд мажлисида судланувчи, фуқаровий даъвогар, гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И

Судланувчи С.Нематов Андижон шаҳрида фаолият юритаётган “Sanoat Rivoj Namkor” МЧЖ раҳбари лавозимида ишлаб келиб, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб, Андижон шаҳридаги 42-сонли мактабгача таълим ташкилоти ва “Sanoat Rivoj Namkor” МЧЖ ўртасида 2020 йил 12 майда 10-сонли, 2020 йил 15 октябрда 13-сонли, 2021 йил 16 августда 11-сонли, жами 1.466.131.061 сўмлик қийматда тузилган пудрат шартномаларига асосан Андижон шаҳридаги 42-сонли мактабгача таълим ташкилотиде қурилиш



таъмирлаш ишларини олиб бориб, ғаразгўйлик манфаатларни кўзлаб, расмий хужжат ҳисобланган. 2020 йил 26 август ва 2021 йил 1 ноябрь кунлари бажарилган ишлар ҳақидаги (Шакл-2, Шакл-3) ҳисоб-фактураларини қалбакилаштириб, уларга $(42.022.157 + 42.508.683 = 84.530.840)$ 84.530.840 сўмлик мукамал таъмирлаш ишлари бажарилгани ҳақида соғлом ҳисоб-китоб ва ёзувлар киритиб, мактабгача таълим ташкилотига тўлов учун тақдим қилиб, 84.530.840 сўмлик анча миқдордаги бюджет маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

Судланувчи С.Нематов суд муҳокамасида айбига қисман иқрорлик билдириб, Андижон шаҳридаги 42-сонли мактабгача таълим ташкилоти ва “Sanoat Rivoj Hamkor” МЧЖ ўртасида 2020 йил 12 май куни 10-сонли, 2020 йил 15 октябрь куни 13-сонли, 2021 йил 16 август куни 11-сонли, жами 1.466.131.061 сўм қийматда юқоридаги мактабгача таълим ташкилотида қурилиш таъмирлаш ишларини олиб бориш юзасидан шартнома тузилгани, ўтказилган назорат ўлчовида 97.210.465 сўм қурилиш ишлари бажарилмасдан, ишлар бажарилганини тасдиқловчи Ф-2, Ф-3 ҳисоботлари тузилгани аниқлангани, яъни мазкур боғчада бажарилган ишлар молия бош бошқармасининг мутахассиси томонидан бажарилган ишлар бўйича назорат ўлчови ўтказилиб, ўзи ҳам иштирок этгани, ўлчовда ҳақиқатда ишлар кам бажарилиб, Ф-2, Ф-3 ҳисоботларида ортиқча ёзиб кўрсатилгани аниқлангани, мазкур далолатномага эътироз йўқлиги, чунки МЧЖ томонидан бажарилган ишлари меъёрий хужжатларга, ШНК талаблари асосида ўрганилиб, далолатнома тузилгани, бироқ боғчада сметада кўрсатилмаган электр тармоғини тортиш ишлари, ташқи ичимлик сув тармоқларини тортиш ишлари, 8 та замонавий кладовка қуриш ишлари, 4 дона аристон ўрнатиш ишларини бажаргани инобатга олинмасдан қолгани, суд мажлиси давомида ўтказилган қайта ўлчов натижасида мутахассис томонидан мазкур бажарилган ишлари ўрганилиб, далолатнома тузилгани аниқланган камчиликларни жойида бартараф қилганини баён қилиб, судда ўзига қонуний енгиллик сўради.

Суд муҳокамасида фуқаровий даъвогар вакили деб топилган Ш.Реджапов Андижон вилояти ҳокимлигининг молия бош бошқарма вакили юридик бўлими бошлиғи бўлиб ишлаб келиши, “Sanoat Rivoj Hamkor” МЧЖ томонидан Андижон шаҳридаги 42-сонли таълим ташкилотида жорий таъмирлаш ишлари юзасидан ўтказилган назорат ўлчов ишлари бўйича бажарилган иш ҳажмларига тузилган 100 фоизлик Ф-2 ва Ф-3 ҳисоботларига нисбатан 2020 йилда



Protected by PDF Anti-Copy Free
(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

бажарилган ишлардан 48.325.480 сўмлик ва 2021 йилда бажарилган ишлардан 48.884.985 сўмлик жами 97.210.465 сўмлик иш ҳажмлари кам бажарилиб, пудратчи томонидан тузилган ҳисобларда амалда бажарилмаган иш ҳажмларини қўшиб ёзиб давлат бюджетига 97.210.465 сўм зарар келтиргани, ҳозирги кунда маблағ пудратчи томонидан вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамига ўтказиб берилгани, жиноят ишлари бўйича Бўстон туман судининг хатига асосан ўтказилган қайта назорат ўлчови давомида пудратчи томонидан 49.136.734 сўмлик иш ҳажмлари бажарилган бўлиб, “Таъмирлойиха” МЧЖ томонидан смета ишлаб чиқилган ва “Эксперт инжиниринг” МЧЖ томонидан экспертиза хулосаси берилгани, иш бўйича пудратчи томонидан жами 97.210.465 сўмлик кам бажарилган иш ҳажмларидан айнан бир қурилиш объектида 49.136.734 сўмлик иш ҳажмлари ҳақиқатда бошқа иш турларини бажариш йўли билан бартараф қилиниб, 48.073.731 сўмлик иш ҳажмлари бартараф этилмагани, шунга кўра пудратчи томонидан бошқа иш турларини бажариш йўли билан бартараф қилинган 49.136.734 сўм маблағни тўловчига қайтарилишида бошқарманинг эътирози йўқлиги, қолган суммани алоқа хатида белгиланган тартибда Молия вазирлиги Ғазначилигининг Андижон туман маҳаллий бюджетининг даромад-шахсий ҳисоб варақасига ҳамда Давлат молия назорат инспекциясиснинг шахсий ғазга ҳисобварағига ўтказиб берилишини, камчиликлар тўлиқ бартараф қилингани сабабли бошқарманинг даъвоси йўқлигини билдириб, кўрсатув берди.

Гувоҳ Ш.Саттаров суд муҳокамасида Андижон вилоят молия бошқармаси бош мутахассиси бўлиб ишлаб келишини, Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти Андижон шаҳар бўлимининг хати, вилоят молия бош бошқармасининг буйруғига асосан 2021 йилда “Sanoat Rivoj Namkor” МЧЖ томонидан Андижон шаҳридаги 42-сонли МТТда таъмирлаш ишларига тузилган шартнома, физобъем ва Ф-2, Ф-3 ҳисоб-фактура ҳужжатлари юзасидан назорат ўлчови ўтказилгани, 42-сонли МТТ бўйича буюртмачи билан МЧЖ ўртасида 2020 йил 12 май куни 10-сонли, 2020 йил 15 октябрь куни 13-сонли, 2021 йил 16 август куни 11-сонли, жами 1.466.131.061 сўм қийматда қўшимча қиймат солиғи билан пудрат шартномаси тузилиб, томонлар томонидан имзолангани, назорат ўлчови давомида пудратчи томонидан 2020 йилда бажарилган ишларда қўшимча қиймат солиғини қўшиб ҳисоблаган жами 48.325.480 сўм, 2021 йилда бажарилган ишларда қўшимча қиймат солиғини қўшиб



Protected by PDF Anti-Copy Free
(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

ҳисоблаган жами 48.884.985 сўмлик жами 97.210.465 сўмлик иш ҳажмлари кам бажарилган пудратчи томонидан тузилган ҳисоботларда ортиқча езиб кўрсатилгани аниқлангани, шунингдек пудратчи томонидан ташқи электр тармоғини тортиш ишлари, ташқи ичимлик сув тармоқларини тортиш ишлари, 8 та замонавий кладовка қуриш ишлари, 4 дона аристон ўрнатиш ишлари бажарилган бўлса-да, ушбу иш турлари смета ва Ф-2 ҳужжатларига киритилмагани ҳамда ушбу иш ҳажмлари учун пудратчи томонидан смета, давлат экспертиза хулосаси, қўшимча келишув шартномаси, Ф-2, Ф-3 ҳужжатлари тақдим этилмагани, яъни пудратчи томонидан қўшимча ёки ортиқча бажарилган иш ҳажмлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июндаги “Капитал қурилишда танлов савдолари тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 302-сонли Қарорининг 2-банди, 2021 йил 17 сентябрдаги “Шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш тартиботларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 579-сонли Қарорининг 1-бандида назарда тутилган ҳужжатлар билан расмийлаштирилгандан кейин инобатга олишини мумкинлиги, суд мажлиси давомида 42-сонли МТТда ортиқча бажарилган ишлар учун тузилган смета ҳужжатларида ёзилган иш ҳажмлари бўйича жойида бажарилган ишлар билан таққосланганда, ҳақиқатда юқорида айтганидек пудратчи томонидан ташқи электр тармоғини тортиш ишлари, ташқи ичимлик сув тармоқларини тортиш ишлари, 8 та замонавий кладовка қуриш ишлари, 4 дона аристон ўрнатиш ишлари бажарилгани, ушбу ишлар бўйича “Таъмирлойиҳа” МЧЖ томонидан смета ишлаб чиқилиб, 2021 йил 23 сентябрь куни “Эксперт инжиниринг” МЧЖ томонидан экспертиза кўригидан ўтказилиб, ЭХ-1534-17/21-сонли экспертиза хулосаси олингани, хулосага кўра, ушбу бажарилган ишлар қиймати 49.136.734 сўмни ташкил этиши, пудратчи томонидан жами 97.210.465 сўмлик кам бажарилган иш ҳажмларидан 49.136.734 сўмлик иш ҳажмлари ҳақиқатда бошқа иш турларини бажариш йўли билан бартараф этилиб, 48.073.731 сўмлик иш ҳажмлари бартараф этилмаганлигини билдириб, кўрсатув берди.

Судланувчи С.Нематовнинг айби, молия бош бошқармаси мутахассисининг назорат ўлчови натижалари юзасидан расмийлаштирилган далолатнома, Шакл-1, Шакл-2 ҳужжатли далолатномалар ва шартномалар, гувоҳнинг кўрсатувлари, тушунтириш хатлари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа ҳужжатлар билан исботланади.



Судланувчи С.Нематовнинг жиноий ҳаракатлари
Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 167-моддаси 2-
қисмининг

“г” банди билан тўғри квалификация қилинган бўлса-да, ЖК
167-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари, 228-моддаси 2-
қисмининг “а” банди билан 228-моддасининг 3-қисми билан
нотўғри квалификация қилинган.

Иш ҳужжатларига асосан ва судда аниқланишича,
С.Нематов Андижон шаҳрида фаолият юритаётган “Sanoat
Rivoj Namkor” МЧЖ раҳбари лавозимида ишлаб келиб,
мансаб мавқеини суистеъмол қилиб, Андижон шаҳридаги
42-сонли мактабгача таълим ташкилоти ва “Sanoat Rivoj
Namkor” МЧЖ ўртасида 2020 йил 12 майда 10-сонли, 2020
йил 15 октябрда 13-сонли, 2021 йил 16 августда 11-
сонли, жами 1.466.131.061 сўмлик қийматда тузилган пудрат
шартномаларига асосан Андижон шаҳридаги 42-сонли
мактабгача таълим ташкилотида қурилиш таъмирлаш
ишларини олиб бориб, ғаразгўйлик манфаатларни кўзлаб,
расмий ҳужжат ҳисобланган 2020 йил 26 август ва 2021 йил
1 ноябрь кунлари бажарилган ишлар ҳақидаги “Шакл-2,
Шакл-3” ҳисоб-фактураларини қалбакилаштириб, уларга
(42.022.157 + 42.508.683 = 84.530.840) 84.530.840 сўмлик
мукаммал таъмирлаш ишлари бажарилгани ҳақида сохта
маълумотлар ва ёзувлар киритиб, мактабгача таълим
ташкилотига тўлов учун тақдим қилиб, 84.530.840 сўмлик
анча миқдордаги бюджет маблағларини ўзлаштириш йўли
билан талон-торож қилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998
йил

17 апрелдаги 11-сонли “Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий
ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар
тўғрисида”ги Қарорининг 3-бандида амалдаги жиноят
қонунларига биноан, ўзганинг мулкани талон-торож қилиш
мулкка тажовуз қилишнинг энг хавфлиси ҳисобланиши,
мансаб вазифалари ёхуд шартномавий муносабатларга кўра,
ўзганинг мулкани тасарруф қилиш, бошқариш, етказиб
бериш ёки сақлаш бўйича қонуний ваколатларни амалга
оширувчи шахснинг мазкур мулкни қонунга хилоф равишда
текинга ўзининг мулкига ёки бошқа шахснинг мулкига
айлантириши айбдорга ишониб топширилган ёки унинг
ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкани ўзлаштириш ёки
растрата қилиш деб (ЖКнинг 167-моддаси) тавсифланиши
лозимлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Жиноят ишида тўпланган ҳужжатларига кўра, 2020-2021
йилларда судланувчи С.Нематов “Sanoat Rivoj Namkor” МЧЖ



раҳбари лавозимида ишлаб келиб, Андижон шаҳридаги 42-сонли мактабгача таълим ташкилоти ва “Sanoat Rivoj Namkor” МЧЖ уртасида 2020 йил 12 майда 10-сонли, 2020 йил 15 (Октябрда) 15-сонли, 2021 йил 16 августда 11-сонли, жами 1.466.131.061 сўмлик қийматда тузилган пудрат шартномаларига қаран Андижон шаҳридаги 42-сонли мактабгача таълим ташкилотидеда қурилиш таъмирлаш ишларини олиб бориб, қўшма ҳужжатларни кўзлаб, расмий ҳужжат ҳисобланган 2020 йил 26 август ва 2021 йил 1 ноябрь кунлари бажарилган ишлар ҳақидаги “Шакл-2, Шакл-3” ҳисоб-фактураларини қалбакилаштириб, 15 фоизли қўшилган қиймат солиғини қўшиб ҳисобланганда жами 97.210.465 сўмлик мукамал таъмирлаш ишлари бажарилгани ҳақида сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиб, мактабгача таълим ташкилотига тўлов учун тақдим қилган.

С.Нематов томонидан келтирилган зарарни ҳисоблашда қўшилган қиймат солиғи 12.679.625 сўм билан бирга қўшиб ҳисобланиб, етказилган зарар 97.210.465 сўм деб белгиланган, ваҳоланки бундай ҳолда жиноят оқибатида тўғридан-тўғри, яъни бевосита етказилган зарар инobatга олиниши лозим бўлиб, С.Нематовнинг қасди ўзганинг мулкани (солиғини эмас) талон-торож қилинишига қаратилиб, қўшилган қиймат солиғи эса талон-торож қилинганидан кейинги оқибат ҳисобланади.

Жиноят кодекси талабига кўра, кўп миқдор базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан ($300.000 \times 300 = 90.000.000$) беш юз бараваригача бўлган миқдор.

С.Нематов томонидан юқорида қайд этилган асосга кўра давлат бюджетига 97.210.465 сўм эмас, балки 84.530.840 сўм моддий зарар етказилган бўлиб, ушбу Кодекс талабига кўра, 84.530.840 сўм анча миқдорни ташкил қилишини инobatга олиб, унинг зиммасидан кўп миқдорда талон-торож қилиш айб эпизодини чиқариш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 32-моддасининг 3-қисмига кўра, умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган бир жиноят таркибини ташкил қилувчи бир-бирига ўхшаш бир неча жинoий қилмишлардан иборат бўлган (давомли) жиноят такроран содир этилган деб топилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида” ги 2004 йил 21 майдаги 4-сонли Қарорининг 6-бандида қилмишни



квалификация қилиш учун талон-торож содир этишнинг хусусиятлари (давомли ёки такрорланлигини) тўғри аниқлаш муҳим аҳамиятга эга эканлиги, давомли талон-торож қилиш деб, умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган бир жиноят таркибини ташкил қилувчи бир-бирига ўхшаш бир неча доимий қилмишлар билан ўзганинг мулкини қонунга хилоф ҳолда текин олиб қўйиш (эгаллаб олиш) тушунилиши билан қамраб олинган қилмиш тушунтириш берилган бўлиб, судланувчи **С.Нематовнинг қасди** – Мактабгача таълим ташкилоти билан тузилган пудрат шартномаларига асосан таълим ташкилотида таъмирлаш ишларини олиб бориб, ғаразгўйлик манфаатларни кўзлаб, расмий ҳужжат ҳисобланган “Шакл-2, Шакл-3” ҳисоб-фактураларини қалбакилаштириб, ҳисоб-фактурага мукаммал таъмирлаш ишлари бажарилгани ҳақида сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиб, 84.530.840 сўм мактабгача таълим ташкилоти мулкини (маблағларини) ўзлаштиришга қаратилган ягона мақсадга йўналтирилган ҳамда ушбу мақсад йўлида давомли равишда расмий ҳужжат ҳисобланган “Шакл-2, Шакл-3” ҳисоб-фактураларига сохта ёзувлар киритиб, бюджет маблағларини ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилишдан иборат.

Иш ҳолатларга кўра, С.Нематов томонидан ўзи фойдаланиш мақсадида расмий ҳужжат ҳисобланган Ф-2 ва Ф-3 ҳисоб-фактура ҳужжатларига сохта ёзув ва маълумотлар киритиб, унинг қалбаки ҳужжатлардан фойдаланиш билан боғлиқ қилмиши ЖК 228-моддасининг 1-қисми диспозициясида назарда тутилган ўзи ёки бошқа шахс фойдаланиши мақсадида ҳужжатларни қалбакилаштириш назарда тутилганлик ҳолати билан қамраб олинган.

У томонидан ҳужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб фойдаланиш билан боғлиқ қилмиши ЖК 228-моддасининг 3-қисми билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди, чунки бундай ҳолда ҳужжат айбдор томонидан ўз мақсадига эришиш учун алдаш воситаси сифатида фойдаланилганлиги эътиборга олиниб, унинг айбловидан ЖК 228-моддасининг 3-қисмини чиқариш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси саккизинчи бўлими “Мансабдор шахс” атамасининг ҳуқуқий маъносига кўра, мансабдор шахс – доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайиланадиган ёки сайланадиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда,



ташкilotларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс, худди шунингдек калқаро ташкilotда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширадиган шахс деб белгиланган.

Судланувчи С.Нематов ИЧЖ раҳбари бўлиб, мулкчилик шаклидан қатъи назар аҳамиятда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган мансабдор шахс ҳисобланади.

Суд судланувчи С.Нематовни зиммасидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари, 228-моддаси 2-қисмининг “а” банди, 228-моддасининг 3-қисмини чиқариб, уни шу моддалар билан оқлаб, унинг ҳаракатларини ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “г” банди, 228-моддасининг 1-қисми билан квалификация қилишни лозим топади.

Гарчанд, С.Нематов айбига қисман иқрорлик билдириб кўрсатув берса-да, унинг важлари назорат ўлчови ўтказиш далолатномаси ва ўтказилган ўрганиш юзасидан уни ҳеч қандай эътироз йўқлигини билдириб, берган кўрсатувлари, фуқаровий даъвогар ва гувоҳнинг кўрсатувлари, ўтказилган назорат ўлчов ишлари юзасидан тузилган далолатномага қўшимча маълумотнома ҳамда жиноят ишида йиғилган бошқа объектив далиллар билан рад қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 167-моддасининг 4-қисмида етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил

3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандида жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилиш ҳақида, 3-бандида Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтиришлар берилган.



Суд, С.Нематовга жазо тури ва миқдорини тайинлашда, унинг қилмишига қисман иккёрлиги, муқаддам судланмаганлиги, етказилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф қилганини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқ деб топиб, унинг шахсини ва содир жиноятларининг ижтимоий хавфлилик даражасини ёлборга олиб, унга нисбатан у айбланаётган ЖК 167-моддасининг 2-қисми, 228-моддаси 1-қисми санкциялари доирасида назарда тутилган жарима жазолари тайинлаб, тайинланган жазоларни ЖК 59-моддасининг 2-қисмига асосан қисман қўшиб, узил-кесил жарима жазо тайинлашни, жаримани давлат даромадига ундиришни;

С.Нематовни тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтиб, бевосита тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётганлигини инобатга олиб, ЖК 45-моддасининг бешинчи қисмига мувофиқ унга нисбатан муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо тайинламасликни лозим топади.

Суд, етказилган зарарни муҳокама қилиб, С.Нематов томонидан етказилган зарарни қоплаш мақсадида Андижон вилоят прокуратурасининг АТИБ “Ипотекабанк” Андижон филиали депозит ҳисоб рақамига тўланган 97.210.465 сўм пул маблағларидан 84.530.840 сўм қисми белгиланган тартибда Молия вазирлиги Ҳазначилигининг Андижон туман маҳаллий бюджетининг даромад-шахсий ҳисоб варақасига ҳамда Давлат молия назорат инспекциясисининг шахсий ғазга ҳисобварағига ўтказишни, қолган 12.679.625 сўм қисмини С.Нематовга қайтаришни;

жиноят натижасида етказилган 97.210.465 сўм моддий зарар дастлабки терговда қопланганлигини суд муҳокамасидан чиқаришни;

Туман судига тақдим қилинган 2022 йил 25 октябрдаги назорат ўлчови ўтказиш ҳақидаги мутахассис далолатномасига асосан С.Нематов томонидан Андижон шаҳридаги 42-сонли мактабгача таълим ташкилотида ортиқча бажарилган ишлар: электр тармоғини тортиш ишлари, ташқи ичимлик сув тармоқларини тортиш ишлари, 8 та замонавий кладовка қуриш ишлари, 4 дона аристон ўрнатиш ишлари, жами 49.136.734 сўмлик ишлар бажарилганлиги аниқланган бўлиб, ушбу бажарилган ишлар бўйича сарфланган 49.136.734 сўм маблағларни олиш масаласида келгусида тегишли ҳужжатларни тақдим қилган ҳолда иқтисодий судга мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтиришни лозим топди.



Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 454-457, 462,463, 465-468, 471,472,473-моддаларига амал қилиб, суд

Protected by PDF Anti-Copy Free

(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

Ҳ У М Қ И Л А Д И

Судланувчи Нематов Салоҳиддин Исақжанович Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 167-моддаси 2-қисмининг “г” банди, 228-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин.

С.Нематовга Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “г” банди билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 (юз) баравари 27.000.000 сўм жарима жазоси тайинлансин.

С.Нематовга Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддасининг 1-қисми билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 (эллик) баравари 13.500.000 сўм жарима жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 59-моддасининг 2-қисми тартибда тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил базавий ҳисоблаш миқдорининг 105 (бир юз беш) баравари 28.350.000 сўм жарима жазоси тайинлансин.

Жарима давлат даромадига ундирилсин.

С.Нематовга нисбатан қўлланилган шахсий кафиллик эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

С.Нематов томонидан етказилган зарарни қоплаш мақсадида Андижон вилоят прокуратурасининг АТИБ “Ипотекабанк” Андижон филиали депозит ҳисоб рақамига тўланган 97.210.465 сўм пул маблағларидан 84.530.840 сўм қисми белгиланган тартибда Молия вазирлиги Ғазначилигининг Андижон туман маҳаллий бюджетининг даромад-шахсий ҳисоб варақасига ҳамда Давлат молия назорат инспекциясининг шахсий ғазга ҳисобварағига ўтказилсин, қолган 12.679.625 сўм қисми С.Нематовга қайтарилсин.

Жиноят натижасида етказилган 97.210.465 сўм моддий зарар дастлабки терговда қоплангани сабабли суд муҳокамасидан чиқарилсин.

С.Нематовга 2022 йил 25 октябрдаги назорат ўлчови ўтказиш ҳақидаги мутахассис далолатномасига асосан Андижон шаҳридаги 42-сонли мактабгача таълим ташкилотида ортиқча бажарилган ишлар: электр тармоғини



тортиш ишлари, ташқи ичимлик сув тармоқларини тортиш ишлари, 8 та замонавий кладовка қуриш ишлари, 4 дон аристон ўрнатиш ишлари, жами 49.136.734 сўмлик ишлар бажарилгани аниқланганлиги сабабли ушбу бажарилган ишлар бўйича сарфланган 49.136.734 сўм маблағларни олиш масаласида келгусида тўлиқ ҳужжатларни тақдим қилган ҳолда иқтисодий сарфларни мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи, фуқаровий даъвогар эса ҳукмнинг кўчирма нусхасини олган кундан эътиборан йигирма сутка ичида шу суд орқали Андижон вилоят судига апелляция тартибида шикоят бериш ёки протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи: (имзо)

“Ҳукм нусхаси аслига тўғри”

Жиноят ишлари бўйича
Бўстон туман судининг раиси
М.М.Рузиматов

Маъсул судья: Рузиматов Махмуд Мамуржонович

